



20 20 у. « 9 » сентябрь № К-449 « ___ » ___ 20 ___ г.

Термиз тумани “Сурхон-Дўстлик-Сарҳади” массиви “Солиобод” маҳалласи ҳудудидан “TERMIZ LYUKS TRANS” МЧЖга “Чорвачилик фермаси биносини қуриш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/319-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 04 июндаги 01-08/235-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/319-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон-Дўстлик-Сарҳади” массиви “Солиобод” маҳалласи ҳудудидан “TERMIZ LYUKS TRANS” МЧЖга туман ҳокимлиги заҳиарсидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 19қ-дала контуридан жами 1,0 гектар яйлов ер майдони, “Чорвачилик фермаси биносини қуриш” учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “TERMIZ LYUKS TRANS” МЧЖ “Чорвачилик фермаси биноси”ни қуриш мақсадида ажратилаётган ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 11 677 520 (ўн бир миллион олти юз етмиш етти минг беш юз йигирма) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонқулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов